



МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Мақсуда Бахтиёр қизи Эшполатова

Ахборот технологиялари ва менежмент университети талабаси

Аннотация: Ушбу мақолада мустақилликдан сўнг Қашқадарё вилоятида таълим соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар ёритилади. Хусусан, мактабгача таълим муассасаларини қайта тиклаш ва янгиларини барпо этиш, умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчилар малакасини ошириш ва инновацион педагогик ёндашувларни жорий этиш масалаларига эътибор қаратилган. Шунингдек, олий таълим муассасаларининг кўпайиши, ҳудудда таълим сифатининг ошиши ва замонавий таълим технологияларини татбиқ этиш каби йўналишлар таҳлил этилади. Мақолада таълим соҳасидаги давлат сиёсати ва унинг Қашқадарё вилоятидаги ижроси атрофлича кўриб чиқилади.

Калит сўз: Қашқадарё вилояти, мустақиллик, таълим соҳаси, ислоҳотлар, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, олий таълим, таълим тизими, педагог кадрлар, инфратузилма, таълим сифатини ошириш, ахборот технологиялари, инновацион таълим, миллий қадриятлар.

Таълим-тарбия – жамият тараққиётининг муҳим асосидир. Истиқлол йилларида Ўзбекистонда таълим тизими тубдан ислоҳ этилиб, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида фаолият олиб бораётган мутахассисларни вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Қашқадарё вилоятидаги таълим муассасаларида ҳам бу борадаги ишлар изчил амалга ошириб келинмоқда.

Мустақиллик йилларида бутун республикада бўлганидек, вилоят халқ таълими соҳасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди. 1992 йил 20 февралда Қашқадарё вилоят ҳокимлигида халқ депутатлари кенгашининг XXI чақириқ XIII сессияси бўлиб ўтди. Унда таъкидланганидек, маҳаллий бюджет 104%га бажарилган бўлсада, маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, ижтимоий таъминот соҳалари учун ажратилган маблағнинг 92,6% ўзлаштирилди. Вилоятдаги 228 та мактабда мутахассис ўқитувчи етишмаганлиги сабабли халқ маорифи бўйича 20 млн сўмдан ортиқ маблағ фойдаланилмади. Ушбу йиғилиш баёнига кўра вилоят бюджетидан Қашқадарё вилоятидаги ижтимоий-маданий тадбирларга ажратилган маблағнинг 45,9% халқ таълими, 20,2% соғлиқни сақлаш тизимига, 6,8% халқ хўжалиги харажатлари ташкил этди. Маданият соҳасига 52,222минг сўм, 22.109минг сўм эса ижтимоий ҳимоя соҳасига йўналтирилди. Бундан кўришиб турибдики, мустақилликнинг илк йиллариданок вилоятда халқ таълими тизимига етарли маблағ ажратилган. Лекин бу





соҳада маълум сусткашликларга йўл қўйилди. Халқ таълимига ажратилган маблағ ўз вақтида етказиб берилмади. Вилоятдаги мавжуд мактабларнинг 46% таъмирталаб ҳолатда, 146 та мактаб эса умуман яроқсиз ҳолда, жами умумтаълим мактабларининг 30% компьютерлашган, қолган мактабларда ҳам ўқув жиҳозлари, дарсликлар, лаборатория хоналарининг етишмаслиги кузатилган.¹

Республикада мактабларни жиҳозлар билан таъминлаш мақсадида бир қатор вилоятлар халқ таълими бошқармалари қошида кичик корхоналар тузилиб, уларда баъзи ўқув жиҳозлари ишлаб чиқариш тажрибаси амалиётга жорий этилди. Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармаси қошида эса устахона очилиб, унда мактаб учун бўр ишлаб чиқарила бошланди. 1991-1992 ўқув йилида Қашқадарё вилоятида 917 та умумтаълим мактаблар бўлиб, шундан 822 таси қишлоқларда фаолият кўрсатди. Вилоятда ўқувчилар сони 429629 нафарни ташкил этиб, улардан 337982 нафари қишлоқлар ҳисобига тўғри келди. Сурхондарё вилоятида эса жами 677 та умумтаълим мактаблари фаолият кўрсатиб, уларда 332965 нафар ўқувчи таълим олиб, шундан 626 таси қишлоқ жойларда жойлашди ва уларда ўқувчилар сони 286855 нафарни ташкил этди. Рақамлар таҳлили шуни кўрсатадики, жанубий вилоятларда фаолият кўрсатган мактаблар асосан қишлоқ жойларда фаолият олиб борди. Бу ўз ўрнида қишлоқ умумтаълим тизимини мустаҳкамлаш заруриятини келтириб чиқарди.¹

Кейинги йилларда жанубий вилоятларда умумтаълим мактаблари сони ортиб борди. Масалан, 1992 йил иккинчи ярмида Қашқадарё вилоятида умумтаълим мактаблари 943 тага етди. Шундан Қарши шаҳрида 37 та, Нишон туманида 28 та, Яккабоғ туманида 90 та ва Чирокчи туманида 138 та эди. Шунингдек, вилоят ўқувчиларининг кўпи ҳам Чирокчи туманига тўғри келиб, бу кўрсаткич 52974 нафарни ташкил этди. Вилоятда ўртача битта синфда 22-24 ўқувчи таълим олди. Бу Косон шаҳарида 29,5 нафар бўлса, Деҳқонобод туманида 16,4 та ўқувчига тўғри келди.¹ Демак, таҳлиллар шундан далолат берадики, таълим тармоғи асосан қишлоқ ва туманларда кенгайиб борганлиги кўзга яққол ташланади.

Қашқадарё вилоятида 1993 йилда 942 та мактаб, 39 та хунар-техника билим юрти, 3 та болалар уйи, 542 та мактабгача тарбия муассасаси бўлиб, мактабларда 43 минг ўқувчи таҳсил олган бўлса, боғчаларда 438 минг бола тарбияланган.

Қашқадарё вилоятида ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилди. 1993 йил Қашқадарё вилояти капитал қурилиш бўлими томонидан умумтаълим мактаблари қурилиши учун 439,2 млн. сўм ажратилиб, маблағ Қарши туман Кўчкак қишлоғида 320 ўринли, Чўли ота номли жамоа ширкат хўжалигида 420 ўринли, Бешкент қишлоғида 624 ўринли мактаб бинолари қурилиши учун сарфланди. Шу йили вилоятнинг бошқа туманларида ҳам янги мактаб бинолари қурилиши давом эттирилди. 1992 йил Касби туманининг Ўқотар қишлоғида 192 ўринли мактаб биноси қурилди. Шунингдек, Касби туманининг Қатағон қишлоғи мактаб биноси учун 133 млн. сўм, Қорахўжа қишлоғи мактаб биноси учун 203 млн. сўм сарфланди. Маблағ





танқислиги туфайли таълим масканлари биноси қурилиши ўз вақтида тугалланмади. Масалан, Касби тумани бўйича 13 та мактаб биноси қурилишидан 6 тасида қурилиш ишлари ўз вақтида тугалланмади¹.

Бу жараёнлар мустақилликнинг дастлабки йилларида таълим тизими моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун давлат томонидан муайян даражада эътибор қаратилиб, маблағлар ажратилсада, кимларнингдир совуққонлиги туфайли мактаб бинолари қурилишида муаммолар тўплаб борганлигидан далолат беради.

1991-1992 ўқув йилида Қашқадарё вилояти умумтаълим мактабларида 37125 нафар ўқитувчи фаолият кўрсатиб, шундан 26944 нафари олий, 1979 нафари тугалланмаган олий, 7904 нафари ўрта махсус маълумотли эди. Шунингдек, Сурхондарё вилоятида шу йили 24692 нафар ўқитувчидан, 17203 нафари олий, 1470 нафари тугалланмаган, 5538 нафари ўрта махсус маълумотли эди. Олий маълумотли ўқитувчилар асосан шаҳар мактабларида фаолият кўрсатди. Қашқадарё вилоятидаги олий маълумотли ўқитувчиларнинг 2411 нафари Қарши шаҳрида, 1014 нафари Шаҳрисабз шаҳрида фаолият олиб борди¹.

Қашқадарё вилояти умумтаълим муассасаларига “Ўқитувчи” нашриёти томонидан чоп этилган лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосининг кўرғазмали қуролларидан 600 нусха олиб келинди. Шундан, Қарши шаҳри таълим масканларига 30 дона, Қамаш туманига 35 дона, Шаҳрисабз шаҳрига 10 дона, Касби туманига 30 дона, Қарши туманига 40 дона, У.Юсупов туманига 15 дона, Косон туманига 100 дона, Баҳористон туманига 10 дона, Муборак туманига 15 дона, Нишон туманига 20 дона тарқатилди¹.

Қашқадарё вилоятида давлат уйларида яшовчилардан уйларни хусусийлаштириш учун ариза берган 5460 нафар педагог ходимларнинг уйлари шахсий мулк қилиб берилди. Шахсий уй қуриш учун 1516 нафар педагог ходимларга ер участкалари ажратилиб, 371 нафар ўқитувчига уй қуриш учун давлат томонидан қарз берилди. 1208 нафар ўқитувчига Республиканинг санаторияларига йўлланмалар берилди. Ўқитувчиларга уй-жой, коммунал хўжалик хизматларига ҳақ тўлаш, шаҳар транспортида бепул юриш бўйича имтиёзлар берилди. Суюлтирилган газ билан Деҳқонобод, Чирокчи, Қарши, Косон ва Ғузор тумани ўқитувчилари таъминланди¹.

Мактабларни таъмирлаш билан бирга уларни жиҳозлаш ишлари ҳам олиб борилди. 1999 йил Қашқадарё вилояти умумтаълим мактабларига молия бошқармаси кўзда тутилмаган харажатлар ҳисобидан яроқсиз парталар ўрнига янги ўқувчилар партасини сотиб олиш учун халқ таълим бошқармасига 15 млн сўм маблағ ажратди. Шундан Қарши шаҳри ва тумани мактабларига 1 млн 200 минг сўм, Ғузор туманига 1 млн 300 минг сўм, Шаҳрисабз туманига 1 млн 400 минг сўм ажратилди¹.

Йиллар давомида вилоятда янги мактаблар қурилиб, уларнинг сони кўпайиб борди. Масалан, вилоятда 1990-1994 йилларда 75 минг ўринли мактаблар қурилиб, фойдаланишга топширилган. Агар вилоятда 1991 йилда мактаблар сони 720 тани





ташқил этган бўлса, 2010 йилда 1115 та, 2016 йилда эса 1125 та бўлди. Умумий ўрта таълимга ажратилаётган маблағлар миқдори йилдан йилга кўпайиб борди ҳамда таълим муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб борилди. Хусусан, Қашқадарё вилоят халқ таълими тизимига 2008 йилда 169985,2 млн сўм, 2009 йилда 223214,6 млн сўм ва 2016 йилда 848,7 млрд сўм ҳаражат қилинди¹.

1999-2000 ўқув йилидан бошлаб барча таълим муассасаларида ўқитувчилар танлов асосида ишга олинди. Педагог кадрларни танлашда “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” талабларига риоя қилинди. 2000 йил Қашқадарё вилояти халқ таълими соҳасига 1225 нафар ўқитувчи янги талаблар асосида ишга қабул қилинди¹.

2000 йил Қашқадарё вилояти таълим муассасаларига математика, физика, чет тили, бошланғич таълим фанлари бўйича 13479 нафар педагог етишмаслиги вилоят фаоллар йиғилишида бир неча бор таъкидланди. Шулардан, Шаҳрисабзда 91 нафар, Яққабоб туманида 112 нафар ўқитувчи етишмади¹. Шу йили Қашқадарё вилояти Дехқонобод туманининг 88 та умумтаълим мактабларида 256 нафар математика фани, 130 нафар физика фани, Қамаш туманининг 84 та умумтаълим мактабларида 174 та физика фани, 314 та математика фани ва 90 та информатика фани ўқитувчилари фаолият олиб борди¹.

Хулоса: Мустақиллик йилларида Қашқадарё вилоятида таълим соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Давлат томонидан амалга оширилган ислохотлар натижасида таълим муассасаларининг моддий-техник базаси яхшиланди, мактабгача таълимдан тортиб олий таълимгача бўлган барча босқичларда замонавий ёндашувлар татбиқ этилди. Педагог кадрлар малакасини ошириш, таълимда ахборот технологияларини жорий этиш ва таълим сифатини юксалтириш каби чора-тадбирлар минтақада билимли ва рақобатбардош авлодни тарбиялашга хизмат қилди. Хулоса қилиб айтганда, Қашқадарё вилояти таълим тизимидаги ислохотлар мамлакатимиздаги умумий таълим стратегиясининг муҳим қисми сифатида муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Buronov, O. The fight against infectious diseases of uzbekistan on experience.(2024). Western European Journal of Historical Events and Social Science, 2(4), 93-97.
2. Бўронов, О. Қишлоқ врачлик пунктларида тиббий кадрлар салоҳиятини оширишга қаратилган давлат сиёсати. Ўтмишга назар.№ 7.2023. Ўтмишга назар, 7.
3. Buronov, O. (2025). Changes In The Murobak Gas Processing Plant In The Years Of Independence. Zien Journal of Social Sciences and Humanities, 40, 62-67.





4. Bo'ronov, O. Qishloq joylarda tibbiy profilaktika va sanitariya-epidemiologik barqarorlikni ta'minlash ishi tarixi. *Journal of Social Sciences*, 1(02).
5. Bo'ronov, O. Qishloq joylarda tibbiy profilaktika va sanitariya-epidemiologik barqarorlikni ta'minlash ishi tarixi. *Journal of Social Sciences*, 1(02).
6. Murodullaevich, B. O. (2024). The fight against infectious diseases of Uzbekistan on experience. *Western European Journal of Historical Events and Social Science*, 2(4), 93-97.
7. Buronov, S. (2022). STRATEGIC FEATURES OF THE TRANS-AFGHAN TRANSPORT CORRIDOR. *Oriental Journal of History, Politics, and Law*, 2(02), 392-398.
8. Murodullayevich, B. O. (2025). O 'ZBEKISTONDA QISHLOQ JOYLARDA IJTIMOYIY-MAISHIY OMILLARNING AHOLI SALOMATLIGIGA TA'SIRI (XX ASR 50-80 YILLARI). *Международный научный журнал*, 2(1), 52-58.
9. Buronov, O., & Davronov, U. B. (2025). Administrative-territorial division and demographic indicators of Samarkand during the years of independence. *International Journal of Artificial Intelligence*, 1(1), 405-409.
10. Buronov, O., & Davronov, U. B. (2025). History of modern construction and urban development in Samarkand region during the years of independence. *International Journal of Artificial Intelligence*, 1(1), 410-414.
11. Buronov, O. (2025). SOCIO-ECONOMIC CONDITIONS IN UZBEKISTAN IN THE 40-80-IES OF THE XX CENTURY. BRIDGING THE GAP: EDUCATION AND SCIENCE FOR A SUSTAINABLE FUTURE, 1(1), 1160-1168.

